

Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш Агентлиги
Тошкент Ахборот Технологиялари Университети
Фарғона филиали
“Ахборот технологиялари”
факультети
“Информатика ва ахборот технологиялари”
йўналиши
“Ахборот технологиялари ”
Кафедраси

“Электрон дизайн” фанидан



Мавзу: Мурожаатлар бажарадиган ишлар ҳақида.

612-06 гуруҳ талабаси Мулайдинов Ф.

Амалий машғулоти №3

Мавзу: Мурожаатлар бажарадиган ишлар ҳақида.

Мақсад: Мурожаатлар билан ишлаш малакасини эгаллаш.

Мурожаатлар саҳифага бошқа жойдаги расмларни юклаш учун керак бўлади. қисқача қилиб айтганда фойдаланувчи сайтингизда бемалол сайр қилиши учундир. Энди мурожаат тегини кўриб чиқамиз.

`<a>...</a>` - мурожаат тегини.

`<a href="мурожаат">Матн</a>`

href атрибутида саҳифага мурожаат ёзилади. `<a>` ва `</a>` орасига матн ёзилади. Ушбу матн фойдаланувчи босганда href атрибутида ёзилган саҳифага ёки сайтга ўтади.

Мурожаатлар ҳар хил бўлади. Уларга мисоллар.

1) `<a href="саҳифа">Сизнинг матнингиз</a>`

Мисол: `<a href="index.htm">Асосий саҳифа</a>`

Бу шуни кўрсатадики ушбу саҳифа index.htm билан бирга битта папкада жойлашган.

2) `<a href="папка номи/саҳифа">Сизнинг матнингиз</a>`

Мисол: `<a href="about/index.htm">ТАТУ аида</a>`

Мурожаатга оид бу мисол шуни кўрсатадики мурожаат about папкасида index.htm да жойлашган.

3) `<a href="../саҳифа">Орқага</a>`

Мисол: `<a href="../08.тм">Орқага</a>`

4) `<a href="сайт">Сизнинг матнингиз</a>`

Мисол: Google сайти

Ушбу мисолда мурожаат www.google.co.uz сайтида ётганини кўрсатади.

Мурожаатларни янги ойнада очиш мумкин , бунинг учун таргет атрибути керак бўлади.

Мурожаат матни

Мисол: Менинг дўстларим

Е-маил га ҳам мурожаат ўрнатиш мумкин. Бунга мисол:

Менга хат ёзинг

Бу farhodmulaydinov@rambler.ru ўрнига ўзингизнинг почта қутингизни ёзишингиз мумкин. Mailto: агар почта қутисига мурожаат қилаётганда доимо зарур.

Мурожаатга ранглар ўрнатиш ҳам мумкин бунинг учун саҳифанинг < body > си

атрибутларини ўрнатиш лозим. Мурожаатга ранг қуйидагича ўрнатилади.

<body link=" ранг" vlink=" ранг " alink=" ранг">

Мисол: <body link="#CC0000" vlink="#FFFF00" alink="#008000">

Бу ерда link -мурожаат, vlink - фойдаланилган мурожаат, alink - фаол мурожаат.

Энди амалий мисолларга ўтсак. Бунинг учун сизга папка(Менинг сайтим номли) ҳосил қилиш, унинг ичида about папкасини ҳам ташкил қилиш керак бўлади. Биринчи папкада 3 та matnlar.htm, maslahatlar.htm ва boshqalar HTML ҳужжатлари ташкил қилинг. About папкасида index.htm номли HTML ҳужжат ҳосил қилинг. Ҳужжатлар таркибини ўзингиз ташкил қилинг.

Энди Notepad га қуйидаги манни ёзинг:

```
<html>
<head>
<title> Murojaatlat. Murojaatlar bajaradigan ishlar haqida.
</title>
</head>
<body      text="yellow"      bgcolor="black"      link="#CC0000"
vlink="#FFFF00" alink="#008000">
<center><h3>Xush kelibsiz !</h3></center>
<br><font color="green" size="36">Ushbu saytda siz maslahatlar
olishingiz, ajoyib maqolalar o`qishingiz va boshqa narsalar haqida ma'lumot
olishingiz mumkin.</font><br>
<br><a href="maslahatlar.html">Maslahatlar</a>
<br><a href="matnlar.html">Ajoyib maqolalar</a>
<br><a href="boshqalar.html">Boshqalar</a>
<br><a href="about/index.html">TATU haqida</a>
<br>
<a href = "http://www.google.co.uz " target="_blank"> Google sayti  </a>
<br><br>
<p align="right">
<a href="mailto: farhodmulaydinov@rambler.ru">Muallif: Farhod
Mulaydinov</a>
</p>
</body>
</html>
```

Ва уни farhod.htm броузерда қуйидаги маълумот пайдо бўлади:



Хулоса

Хозирги кунда интернет тармоғи жадал суратда ривожланиб бормокда. Бунда Web саҳифа албатта катта рол ўйнайди.

Web - саҳифалар билан ишлаш жараёнида биз учун унинг мукамаллиги, унинг дизайни муҳим рол ўйнайди. Кўп интернет сайтлари кўриниши ўзига хослиги, чиройли дизайни билан инсонни ўзига жалб қиладиган даражада безатилган бўлади.

Мен бу амалий ишимда Web хужжатларнинг асосий ажралиб турадиган қисми, бу хужжатларга қўйиладиган мурожаатлар ҳақида маълумотга эга бўлдим. Мурожаатлар ёрдамида турли хилдаги сайтларни ва хаттоки тармоқчиларни ҳам бир-бирига боғлаш мумкинлигини ўргандим. Мурожаатлар фойдаланувчига жуда қулайликлар яратади.